

Муруват бир сифатки, Аллоҳнинг розилигига лойиқ. Саховат бир табиатки, у ҳақида қанча гапирилса, шунча муносиб.

Маҳмуд ЗАМАХШАРИЙ

Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2020 йил 9 май • шанба • № 47-48 (4333)

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz



9 май -
Хотира ва
қадрлаш
куни

Тақдимот



OZBEKINO

- кутилган
- умидлар оқланди

Кеча «Ўзбекино» миллий агентлиги журналистлар учун «Илҳақ» бадий фильмининг тақдимотини ўтказди. Фильмда Тошкент вилоятининг Хонобод қишлоғида истиқомат қилган Зулфия ая Зокирова оиласи ва унинг беш нафар ўли тақдири ҳақида ҳикоя қилинади.

Уруш даҳшатлари, жирканч қиёфаси, фожиаси, даврнинг адолатсизликлари, жафонинг турли кўринишлари... Биз булар ҳақида кўп кинолар орқали танишганмиз. Бир қадар тасавурларимиз ҳам йўқ эмасдек. Бироқ беш ўғлини урушга жўнатган она тимсоли, паноҳидан айрилган бу оила қисматининг уруш билан чамбарчас боғланиб кетган ҳаётини кинода қандай талқин қилиш мумкин, деган саволга ҳар ким ҳар хил жавоб бериши мумкин эди.

Қолаверса, ўзбек киносининг бугунги жуда ҳам мақтовли бўлмаган муҳитида оламшумул асар яратилишига шубҳа ҳам йўқ эмас эди. Қувонарлиси, бу хавотирлар ўринсиз бўлиб чиқди, агентликнинг кинозолига жамланган камсонли журналистлар ва кино соҳасига яқин бўлган мутахассислар истеъдодли режиссер Баҳодир Аҳмедов жамлаган жамоанинг бу ижодий ишидан тўла қониқиш ҳосил қилганини эътироф этди. Айтишларича, бугун ушбу фильм бир қатор телеканаллар орқали намойиш этилади.

гани, самимият, ҳар бир ечимнинг асослантирилгани, образларни яратишга янгидан-янги қиёфалардан фойдаланилгани, тақдирларнинг ҳар жиҳатдан пишқиришга очилгани, тасвиричи ракурсларининг ўринли танлангани, актерлар маҳорати... Барчаси таҳсинга лойиқ.

Фильмдаги биргина почтачи Чори образининг ўзида қанча синаот мужассам. Она образи Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Дилором Каримова томонидан катта маҳорат билан тақдим этилди. Хуллас, бир сўз билан «Илҳақ» ўзбек киносинининг халқаро майдонга олиб чиқса арзирли чиройли асар сифатида баҳоланди.

Айтишларича, бугун ушбу фильм бир қатор телеканаллар орқали намойиш этилади.

Ўз муҳбиримиз

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 май кuni Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Мулоқот аввалида давлат раҳбарлари яқинлашиб келаётган байрам – фашизм устидан қозонилган Ғалаба кuni муносабати билан бир-бирларини табриклаб, мамлакатларимиз фахрийлари ва биродар халқларига тинчлик, сihat-саломатлик ва фаровонлик тиладилар.

Сардоба сув омборидаги фавкулда ҳодиса оқибатларини бартараф этиш мақсадида чегароалди ҳудудларда яқин ҳамкорликни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди. Жабр кўрган туманларда аҳолига манзилли ёрдам кўрсатиш ва инфратузилмани тиклаш бўйича қилинадиган биринчи навбатдаги ишлар ҳақида келишиб олинди.

Президентлар коронавирус инфекцияси тарқалиши билан боғлиқ жорий эпидемиологик вазиятни ҳам кўриб чиқдилар. Пандемияга қарши кураш, аҳоли ва бизнес учун чекловларни босқич-ма-босқич юмшатиш борасида мамлакатларимизда кўрилаётган чоралар қўллаб-қувватланди.

Мулоқот чоғида савдо-иқтисодий соҳада эришилган келишувларни тез фурсатларда амалга ошириш, жумладан, автомобил-созлик, қишлоқ хўжалиги, қайта

ишлаш саноати, транспорт ва логистика, бошқа тармоқларда истиқболли лойиҳаларни тайёрлаш ва илгари суриш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари халқаро аҳамиятга молик қатор масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Мулоқот якунида кўп асрлик дўстлик, яхши кўшничлик ва стратегик шерикликка асосланган кенг қўламли Ўзбекистон – Қозоғистон ҳамкорлигини янада кенгайтиришга интилиш қатъий экани таъкидланди.

ЎЗА

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ НУРСУЛТОН НАЗАРБОВ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 май кuni Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбوشي Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалида Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан бир-бирларини самимий табриклаб, эзгу тилаклар билдирдилар.

Жанггоҳларда жонини аямай, фронт ортида фидокорона меҳнат қилиб, Ғалабага эришган ота-боболаримизнинг жасорати ва қаҳрамонлиги биродар халқларимизнинг миннатдор хотирасида мангу қолиши алоҳида қайд этилди.

Мулоқотда чегароалди ҳудудларда Сардоба сув омборидаги фавкулда ҳодиса оқибатларини бартараф этиш би-

лан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Аҳолига зарур ёрдам кўрсатиш, инфратузилма ва коммуникацияларни қайта тиклаш борасида биргаликда амалга оширилаётган биринчи навбатдаги тадбирлар қўллаб-қувватланди.

Мамлакатларимизда коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кураш самарали кечаяётгани мамнуният билан қайд этилди. Ушбу хавfli кассалликнинг олдини олиш ва даволашда ваколатли идораларнинг яқиндан мувофиқлашуви ва ҳамкорлигини давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев икки томонлама

стратегик шериклик муносабатларини, аввало, савдо-иқтисодий соҳада кенгайтириш масалаларига алоҳида тўхталдилар.

Пандемиянинг салбий оқибатлари таъсирини камайтириш мақсадида амалий ҳамкорликнинг янги лойиҳалари ва йўналишларини ишлаб чиқишда икки мамлакат бош вазирлари раҳбарлигидаги кўшма Хукуматлараро комиссиянинг муҳим роль ўйнаши таъкидланди.

Шунингдек, халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар ҳамда Марказий Осиё минтақасида яхши кўшничлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ВА БЕЛАРУСЬ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

8 май кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари келаётган байрам – фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан бир-бирларини самимий табрик ва тилаклар билдирдилар. Биродар халқларимизнинг Буюк Ғалабага эришишида беқиёс ҳисса кўшгани алоҳида қайд этилди.

Сўхбатда Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари кўриб чиқилди. Кейинги йилларда икки томонлама савдо муносабатлари жадал ривожлантаётгани, иқтисодий-нинг турли тармоқларида ишлаб

чиқариш кооперацияси кенгайиб бораётгани, ҳудудлар ва ишбилармон доиралар ўртасидаги мулоқотлар, шунингдек, маданий-гуманитар ва таълим соҳасидаги алмашинувлар фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди.

Эришилган келишувларни амалга ошириш ва шерикликнинг янги йўналишларини илгари суриш мақсадида кўшма Хукуматлараро комиссия доирасидаги учрашувларни, жумладан, видеоанжуманлар шаклида давом эттиришга келишиб олинди.

Президентлар пандемия билан боғлиқ икки мамлакатдаги

вазирати муҳокама қилдилар ҳамда коронавирус тарқалишига қарши курашда алоқадор идораларга яқин мувофиқлашув ва ҳамкорликни таъминлаш бўйича топириқ бердилар.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик қатор долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида кўп томонлама кўшма тадбир ва дастурларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Мулоқот ҳар доимгидек самимий ва дўстона руҳда ўтди.

ЎЗА



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг топшириғига мувофиқ, коронавирусга қарши курашда катта тажриба тўғлаган 8 нафар шифокор навбатдаги инсонпарварлик ёрдами билан бирга 8 май кuni Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрига жўнаб кетди.

«Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Президент қарори қабул қилинди.



2020 йилнинг 7 май кuni Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комиловнинг Эрон ташқи ишлар вазири Мухаммад Жавод Зариф билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Сардоба ва Мирзобод тумани болалари ўртасида расмлар танловини ўтказди.



Қашқадарё вилояти 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг 9-синф ўқувчиси Беҳруз Давронов масофавий тарзда Россия Федерациясида ўтказилган нуфузли олимпиадада бира тўла 3 та фан бўйича ғолиблар сафидан жой олди.

Таҳлил

12 11 – «Call-center» эшитади:

ДАРДИНГНИ АЙТ, ОПАЖОНИМ, СИНГЛИМ...

Давлатимиз раҳбари топшириғига биноан Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси раиси мутасаддидлигида тузилган Хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни мобдий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича республика ишчи гурӯҳи фаолиятида 12 11 қисқа рақамли «Ишонч телефони» ҳам муҳим аҳамият қасб этаётир.



ТИМСОЛ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йили 9 май – Хотира ва қадрлаш кунидаги нутқида Зулфия Зокированын матонатига, сабр-у бардошига юксак баҳо бериб, жумладан, бундай деганди: «**Ёвуз уруш туйфайли аянинг тўрт келини бева, беш набираси етим бўлиб қолди. Унинг ўзи эса бир умр матонатда яшайди. Лекин ҳеч қачон умидсизликка тушмади, ўғилларининг сўнмас хотираси, ёруғ кунлар ёди билан, келинлари, набираларининг ҳаёти, орзу-умидлари билан яшайди. Мана, ўзбек аёлларининг, ўзбек халқининг ҳақиқий жасорати ва матонати! Мана, севги ва садоқат мадҳияси, унинг энгилмас куч-қудрати! Мана, ёшларимиз, фарзандларимиз кимдан намуна ва ўрнак олишлари керак!**»

Давлатимиз раҳбари эътироф этган бу аёл Тошкент вилоятининг Хонобод қишлоғида яшаб ўтди. Бир пайтлар тўқайзорларга туташ бўлган қишлоқ бугун кенгайиб, обод маҳалларга айланган. Катта-кичик ҳовлилар ичида Зулфия Зокирова яшаган хонадон ҳалиям қишлоқ файзи бўлиб турибди. Зулфия аянинг суюкли ўғли Маҳмаддон Холматовнинг набираси Фарҳод Муҳаммадиев бу уйнинг чирогини ёқяпти.

– Бувижонимнинг табаррук қадамлари теккан эшик шу. Уни бузишга кўнглим ботмади, – дейди у. – Ҳовлидаги уйларни отам раҳматли бувижонимнинг вафотларидан кейин янгилаган. Шуларни ҳисобга олмасак, деярли кўп нарса ўзгармаган. Ҳовли ўша-ўша. Озгина ер қўшилган, холос. Ҳар сафар дарвозадан кириб чиққанымда бувижонимни эслаб, ҳақларига дуо қиламан. Шу дарвоза менга доим оиламиз тарихини эслатиб туради.

ХОЛМАТ ОТА

Зулфия ая турмуш ўртоғи Холмат Зокиров билан ўттиз йил бахтли ҳаёт кечирди. Исоқ, Аҳмад, Абдуваҳоб, Маҳмаддон, Юсуф исми беш ўғил ва Манзура исми бир қизни дунёга келтирди.

Бутун оила танчага йиғилган кезларда Холмат ота кенжа ўғли Юсуфни суйиб эркаларкан: «Онаси, шунинг жуда зукко-да. Худо умр бериб, унинг олим бўлганини кўрсайдим» дерди.

Зулфия ая эрининг бу гапларига ҳазил аралаш жавоб берарди: «Нималар деясиз? Ҳали Юсуфнинг ҳам, Манзуранинг ҳам болаларини кўриш насиб қилади!»

Аммо суронли ўттизинчи йиллар яқинлашганда, кунларнинг бирида Холмат отанин кўққисдан ичи бураб оғриди. Дард соат сайин кучайиб, алпдек қоматини буюкиб қўйди. Зулфия ая нима қилишни билмасдан, ҳали у қўшиққа, ҳали бу қўшиқча югурди. Қариндош-уруғ одам жўнатди. Бир пасда ҳовли одам билан ўлди, лекин ҳеч кимдан жўяли фикр чиқмади. У пайтларда табибнинг гиёҳи-ю, кўш-ночининг иримидан бошқа давосининг ўзи йўқ эди. Уч кунда Холмат отанин оғриги кучайиб, омонатини Яратганга топширди.

ФАЙЗЛИ ОИЛАЛАР

Тақдир экан, ҳайҳотдек ҳовли отасиз хувиллаб қолди. Бироқ оқила аёл ўзини йўқотмади. Қариндош-уруғ, эл-у халқ кўмағида ҳовли орқасидаги бўш ётган ердан аввал тўнғичи Исоқжонга, кейин Аҳмаддон билан Ваҳобжонга ёнма-ён қилиб, бир уй, бир дахлиз бошпана кўтаришди. Аёл боши билан тиниб-тинчимай, шу уйларга келин туширди. Маҳмаддон эса онаси билан ота ҳовлисида қолди...

Исоқжон 1936 йили ўғил фарзанди бўлди. Зулфия ая қувончдан танасига сиғмасди. Тўнғич набиранин исмини Ватанига, ота онасига садоқатли бўлсин дея, Содиқ қўйишди. 1937 йили эса Аҳмаддон ўғили бўлди. Зулфия ая унга Раҳимжон деб исм берди. Орадан бир йил ўтиб, кейинги фарзанди Маҳмаддон ҳам ўғили бўлди. Уни Турғун деб аташди. 1939 йилда Ваҳобжон хонадонидан ҳам ўғил фарзанд дунёга келди. Зулфия ая уни яхши ниятлар бил-

лан Манноп деб қақирди.

Исоқжон ака ветеринар эди. Аҳмаддон ва Маҳмаддонлар ўша даврдаги колхоз фаолларидан бўлишди. Юсуфжон эса отасининг орзусидаги йигит бўлиб етишди. Тошкент педагогика институтини тамомлаб, илмини мукамаллаштириш илинжида Москвага йўл олди.

КЎПГА КЕЛГАН ТҮЙ...

Орадан икки йил ўтиб, уруш бошланди. Қишлоқдаги эркалар бирин-кетин фронтга кета бошладилар. Исоқжон ўша авқатда 39, Аҳмаддон 36, Маҳмаддон 34, Ваҳобжон эса 31 ёшда эди. 1941 йили дастлаб Аҳмаддонни ҳарбий комиссариатга қақирди.

– Отамни яхши эслайман, ўшанда беш ёшда эдим, – дейди унинг ўғли Раҳимжон Аҳмаджонов. – Онам укамга ҳомилдор эди. Отамни кўққисдан олиб кетишган, биз ҳам беҳабар қолганмиз. Бувижоним айтишича, Янгибозордаги отлик аскарлар дивизионидан ҳарбий тайёргарликдан ўтказишган. Бир кун сафдошлари билан уйга меҳмонга келишди. Ўша ҳолат кечадиге кўз ўнгимда. Бувижонимнинг ҳовлисидаги супада қанча ўтиришган бўлишса, отам мени бир дақиқага ҳам тиззаларидан туширмадилар. Эркалаб, сочларимни силар, танамни тинимсиз ҳидлар эдилар. Ўшанда болалигим туйфайли бу оталик меҳри эканини тушунаман. Эртасига улар йўлга тушишди. «Тошкент товарный» бекатидан урушга кузатдик. Орадан ойлар ўтиб, онамининг кўзи ёриди. Бувижоним укамга Комил деб исм қўйди. Умри қисқа экан, беш ёшлиғида вабо касалига

лар мева-сабзавотларни ювиб, тозалаб, тўғрашарди. Пахта сушиқкаларида қуритиб, махсус қопларга солишарди. Кейин от аравага юклаб, вокзалга олиб боришар, вагонга ортиб, фронтга жўнатишарди.

Оч қолмаслигимиз учун онам билан сомонли далалардан бошоқ териб кун кўрардик. Бувижоним ҳам ёрдамга келар, ҳатто келинларидан ҳам ғайратлироқ меҳнат қилар эди. Ватанга муҳаббати, оилага, фарзандларига садоқати юксак эди. Шу туйфайли барча мусибатларни енгиб ўтди.

ҚОРА ХАТ

Ака-укалардан бирин-кетин қора хат кела бошладилар. Зулфия Зокирова 1943 йили икки нури дийдаси – Аҳмаддон билан Юсуфжонга аза очди. 1944 йили Ваҳоб Холматовнинг ҳам қаҳрамонларча ҳалок бўлгани маълум бўлди.

Жангда оғир яраланиб, госпиталга тушган Маҳмаддон Холматов 1943 йили қишлоғига қайтди. Меҳнатга яроқли катта-кичик эркални тўлаб, колхозда ғалтакчилар бригадасини тузди. Далалардаги тупроқ ишлари, ғаллани ташинишда бу матоқ жуда-жуда асқотарди.

Орадан тўққиз ой ўтди. Маҳмаддон уйдагиларига билдирмай, кўнгилилар сафида урушга жўнатишларини сўраб, Қорасувдаги район ҳарбий комиссариатига борди.

– Ахир онанг ёлғиз қолади-ку! Бригаданг нима бўлади? Колхозга сендек бакуват эркалар жуда-жуда зарур! Бунинг устига, жароҳатинг ҳам ҳали яхши битиб кетмаган бўлса! – дея қатъий рад этди ҳарбий комиссар.



– Бувим иймонли, оқила, сабр-бардошли аёл эди, – дея ўша кунларни хотирлайди Раҳимжон Аҳмаджонов. – Шу боис, бу шумхобарни ҳам тақдирдан билиб, сир бой бермади. Бироқ амакимга аза очилгач, анча вақт ўзларига келолмади. Вақтини жойнамоз устида ўтказарди. Қўлларидан тасбеҳ тушмасди. «Роб-бим! Ҳаммаси шахид кетишди-я. Уларни раҳматинга ол!» дерди... Кунларнинг бирида бувим ҳаммамизни ҳовлисидаги супага йиғиб, насихат қилди. Келинларини сабр-бардошли бўлишга ундади. Онам ва келинларимга қараб: «Сизларга зулм қилиб қўймадимми? Худо-

риб, Исоқжоннинг қабрини топдим. Ўша ўрмон яқинидаги қабристонга дафн этишибди, – деди-ю, йиғлаб юборди.

Зулфия ая сўнги умиди пучга чиққанидан тамоман қарахт бўлиб қолганди. Шу кундан Исоқжонга ҳам аза очди.

СЎНГИ УМИД

Зулфия ая кенжаси Манзурани Тошкентнинг «Ўқчи» маҳалласига узатганди. Куёви Ортиқни ўз фарзандидек суряди. У ҳам аяни онасидек эъзозларди. Кунларнинг бирида куёвини ёнига қақирди: «Болаларимни уруш олди. Сени

Зулфия ая



чалиниб, вафот этди. Оллоҳ раҳмат қилсин!

Отамдан хат келди. Унда: «**Сталинград яқинидамиз. Тез кунларда душман билан жанга кириамиз. Онамни, ўзингни, Раҳимжонни эҳтиёт қил. Исоқжон акамдан хат-хабар борми? Биздан яна қиллар урушга кетди? Юсуфдан хат келдими? Мендан ҳаммага салом айт. Кичкинанин исмини нима қўйдинлар?**» деган сўзлар битилганди. Онам раҳматли шу бир энлик мактубни бағрига босиб, хурсандлигидан танасига сиғмасди. Такрор-такрор ўқиганимдан мактубдаги сатрлар менга ёд бўлиб кетганди.

1941-43 йилларда Зулфия Зокирова тўрт нафар ўғлини фронтга жўнатди. Кенжаси Юсуфжон уруш бошланишидан олдин, 1938 йилда Москвага ўқишга кетган эди. Уруш бошлангач, ундан бир маротаба хат келди. Юсуфжон бу мактубида Ленинград фронтда жанг қилаётганини ёзганди.

КУЗОЙДИН

– Уруш йиллари катта-ю кичик тинимсиз меҳнат қиларди, – дейди Раҳимжон Аҳмаджонов. – Ойдин кечаларда аёллар ва ёш қизлар буғдой ўришарди. Чунки техника йўқ, эркалар фронтга кетган, қўл меҳнати устун эди. Бечора аёллар эртасига ўрилган ғармларни янчиб, дон қилишарди. Кейин қопларга жойлаб, фронтга жўнатишарди. Бир сиқим ғаллани олиб қолиш ҳам катта жиноят эди. Ҳўжалик раҳбарлари бўшаган майдонларда сабзи, пиёз, карам, картошка, ошқовоқ эктиришарди. Ҳосил етилгач, бувижоним етакчилигидаги аёл-

дан кўрқаман. Ҳали ёшсизлар, лозим топсанлар, турмуш қуринглар, миндан-минг розиман. Фақат бир шарт билан. Набираларим жигаргўшаларимдан қолган ёдгорлик! Уларни менга қолдирасизлар!» деди.

Ҳамма бирдан увос тортиб юборди. Ҳеч ким бу тақлифга розилик билдирмади. Улар

дан кўрқаман. Ҳали ёшсизлар, лозим топсанлар, турмуш қуринглар, миндан-минг розиман. Фақат бир шарт билан. Набираларим жигаргўшаларимдан қолган ёдгорлик! Уларни менга қолдирасизлар!» деди.

Ҳамма бирдан увос тортиб юборди. Ҳеч ким бу тақлифга розилик билдирмади. Улар


куёвим эмас, ўғлим деб қабул қилганман. Уларнинг чала қолган меҳрини сандан топдим. Бундай ишлар ҳаётда камдан-кам бўлади, болам. Қўриб турибсан, йилдан йилга кучим кетяпти. Вақти етиб, омонатини топширсан, қабримга ўзинг тушгин-а! Танамга бошқа номаҳрамнинг қўли тегмасин, дейман-да!» дея васият қилди.

Афсуслар бўлсинки, 1958 йили Ортиқбой аяни трамвай уриб кетди. Зулфия аянинг энди ҳаётдан умиди қолмагандек эди.

Қизи Манзура шаҳарда бир этак болалари билан бева қолди. Шу боис, топганини жамлаб, уни тез-тез йўқлайдиган одат чиқарди. Қишлоққа қайтгач, кечалари болаларининг исмини айтиб қақириб чиқарди. Ҳар ой нафақасини олганида, қўйлиққа тушиб, у-бу нарса харид қилар, қишлоқ аёллари, қариндош-уруғни қақириб, уйда мавлуд ўқитиб, хатми Куръон туширттирар, савобини шахидларига бағишларди. Бу одат йил бўйи давом этарди. Шу билан қалби анча таскин топиб, хотиржам юрарди. Бир гал Манзурани йўқлаб шаҳарга борганида, трамвайдан тушаётиб, ўзини бошқаролмай йиқилиб тушди. Оёғи сиқиб, уч йил тўшақда ётиб қолди.

ОҚИБАТ САБОҒИ

Ўғиллари шахид кетганини билса-да, бир умр эшикка термулиб: «Исоқжон, Аҳмаддон, Маҳмаддон, Ваҳобжон, Юсуфжон, қайдасизлар! Нега ҳамма келди, сизлардан дарак йўқ!



Мени соғинмадингларми? Мен эса сизларни қаттиқ соғиндим!» дея, фарзандларини чорларди онаизор. Қазиси яқинлашган кунларнинг бирида набиралари Раҳим, Содиқ, Анвар, Турғун, Манноп ва Раҳматларни йиғди.

– Гапларимни яхшилаб эшитинглар, – деди ая уларга. – Оталарингиз жуда ахил-иноқ эди. Сизлар ҳам шундай меҳр-оқибатли ҳаёт кечиринглар. Шунда оталарингнинг руҳи шод бўлади. Мен ҳам қабримда тинч ётаман!

Зулфия Зокированын бу сўзлари набиралар учун ҳаётда доим тўғри йўл кўрсатиб туради.

Шодиёр МУТАҲАРОВ, журналист



Архив



Қўнғир ишлар ҳисобини ким беради?

ёхуд «учиб кетган том», «ўпирилган дамба» бизни нимадан огоҳлантирмоқда?

Ўзи шундоғам пандемия тўғрисида одамлар ўйига қамалиб, жуда кўп муаммоларга рўбарў бўлиб турган бир пайтда кетма-кет келган бало-ю офатлар дард устига чипқондек бўлди. Аввалига кучли бўрон тўғрисида Бухорода қанча уй-жойлар, бинолар вайрон бўлди, минглаб юртдошларимиз бошпанасиз қолди. Кўп ўтмай Сирдарёнинг Сардоба туманида сув омборининг дамбаси ўпирилиб, минглаб уй-жойларни сув босди, катта-катта ер майдонлари, экин-тикинлар ҳаммаси сув остида қолди. Сардоба туманидан ўн минглаб аҳоли турли жойларга кўчирилди.

Кўтилмаган бу талафотлар кўпчилигини саросимага, таҳликага солгани аниқ. Чунки оддий халқ балогардон бўлган бу офатларнинг зарари эрта-индин дарров қоплашиб кетмайди. Моддий зарари ҳам, элимиз руҳиятида қолдирган жараҳатлари ҳам ҳали анчагача тузалмаслиги аниқ.

Халқнинг тийнатидаги бирдамлик оғир дамларда билинади, деган гап рост. Элимиз ҳеч қачон бошига кулфат тушганларни елғизлатиб қўймайди. Кетма-кет юз берган бу офатларни эшитган юртдошимиз борки, жабдийдалар учун нимадир ёрдам беришга шошилди.

Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Бухорога ҳам, Сирдарёга ҳам зудлик билан етиб борди. Табиий офат юз берган, тўғондан чиққан сув талафот етказган жойлар билан бевосита танишди, бунинг жабрини тортган одамлар билан шахсан учрашди. Давлат раҳбарининг сўзлари бундай синовларни мардонавор энгиб ўтишда уларга катта далда бўлаётгани шубҳасиз. Сардобадаги вазият изига тушмагунча, одамларнинг шарт-шароитини яратиб берадиган, бирорта раҳбар бу ердан кетмайди, деди мамлакат раҳбари ва ўзи ҳам Сирдарёда қолди. Бирдамликнинг, халқни рози қилиш, ҳар қандай вазиятда эл дардини ҳис этиб, уларга елкама-елка туришининг аққол ифодаси бўлди бу.

Ҳозиргача юртимизнинг барча ҳудудларидан Сирдарё аҳлига кўмак қарвонлари оқиб келмоқда. Жабдийдаларга ҳамма ўзининг қалб амри билан баҳоли қудрат кўмак берапти.

Бу фалокатлар юз берганидан сўнг кўпчилигини дилида ҳам, тилида ҳам бир савол айланди: майли, табиат инжиқликлари Яратганини иши. Аммо шунга бардос берадиган янги иморатларни, намунавий лойиҳа деб бутун дунёга дoston қилинган уйлари қурганлар ёхуд давлат бюджетининг миллиардлаб маблағларини сарфлаб, сифатсиз тўғон кўтарганлар жавоб берадими? Мана шундай кўзбўямачиликка йўл қўйган, «мендан кетгунча» қабилда иш тутганлар сувдан куруқ чиқмайди?

Дарвоқе, Бош прокуратура «Сардоба» сув омбори ўпирилиши оқибатида рўй берган сув тошқини юзасидан Жиноят кодексининг 207-моддаси 1-қисми ва 258-моддаси 2-қисми «б» банди билан жиноят иши кўзга тилгани ҳақида маълум қилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 5 май кuni ўтказган видеоселектор йиғилишида эса шундай таъкидлади: «Халқимиз бир нарсадан кўнгли тўқ бўлиши керак, ҳеч қандай ортиқча гап-сўзларга ва миш-мишларга ўрин бўлмаслиги».

лозим. Менинг топширигимга кўра ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан сув тошқини билан боғлиқ воқеа юзасидан объектив, ҳолис ва кенг қамровли тергов ҳаракатлари бошланган. Халқимизни ишонтириб айтаман, тергов якунлари бўйича барча айбдорлар, ким бўлиши ва эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, қонун олдида жавоб беради».

Бу кўпчилик кутаётган гап бўлди. Чунки йиллар давомида қанча-қанча қурилишлар белгиланган талабларга жавоб берадиган ҳолатда топширилиб келинган бўлса-да, биров эътироз билдира олмас эди. Шунинг учун ҳам давлат раҳбарининг бу гаплари оддий одамларни, қурилишлар сифатсизлигидан жабр чекиб келганларни хурсанд қилиб юборди.

Албатта; айбдорлар топилади, тегишлича; жавобгарликка ҳам тортилади... Аммо шу билан ҳаммаси ўз изига тушиб кетмайди, масаланинг яна бошқа томони ҳам бор, бизнингча.

тахамга ёхуд жиноятчига чиқариш фикридан йироқми. «Жавоб бериш» деганда, ўша одамлар ўзининг олдида, ўз виждони, қалб амри олдида жавоб беришини назарда тутяпмиз. Мана шу томондан олиб қаралса, нима деб ўйлайсиз, улар ўзларининг олдида қандай жавоб бера олади? Энг ачинарлиси, ўзини ўзи, ўз виждонини сўроққа тутта оладиган одамлар ҳозир ҳам бормикан? Ҳамма гап мана шунда.

Отам раҳматли дурадгор уста эди. Уйимизнинг томини қайта ёпганда, девор устига «болор оширишдан тортиб, тунуканинг охириги михини қоққунча бўлган жаранни кутатганман. Отамнинг ёнида ишини томоша қиларканман кўпинча болаларча қизиқиш билан «мана бу тўсинни шунча

дан кўрқмайди, ҳеч қачон виждони олдида ўзини сўроққа тутмайди.

Энди тасаввур қилайлик. Қайсидир қурилишлар тепасида турган пудратчилар катта ўғирликлар қилган ҳам дейлик. Аммо ўша ерда ишлаётган мутахассислар (аслида, мутахассислар ишлаганми-кан ўзи) нега белгиланган стандартларга жавоб берадиган материаллардан кўз юмиб фойдаланган? Нега фалон метр куб жойга фалон тонна цемент, фалон метр арматура кетишини тўққиз пулдай билса-да, ўшанча материалнинг ярми билан ишни битириб юборган? Ўнта-мих керак бўлган том нега бешта мих билан ёпилиб кетган?.. Бундай саволларни истаганча келтиришимиз мумкин.

Агар ўша материалларни ишлатаётган мутахассислар, усталар бировнинг ҳақидан, ҳаромдан кўрқганида, вақти келиб, улкан бир офатларга сабабчи бўлиб қолишдан заррача чўчиганда эди, вазият бутунлай бошқача бўлган бўларди.

Балки бу масаланинг жуда кичик бир жиҳатидир. «Катта ўғирлар четда қолиб, энди қурувчилар айбдор бўлиб қолди»ми? Улар берилган материални ишлатган-да, ишламаса, кўча тўла уста-ку...» каби мулоҳазаларга бораётган бўлишини ҳам мумкин. Албатта, катта қурилишлар тепасида турганларнинг катта ўйинлари, уюштирилган сохта тендерлару таннархи минг сўм турадиган ашёни ўн минг сўмга харид қилишларгача ҳеч кимга сир эмас. Аммо, менинг назаримда, одамларнинг қарашини, ўз ишига бўлган муносабатини, онгу тафаккурини, виждон амрини тўғри тарбиялай олмас эканми, ҳар қанча кучли мутахассислар ишламасин, қурилишлардаги кўзбўямачиликлар давом этаверади.

Тан олиш керак, ҳали-ҳамон қурилишлар, ўтказилаётган тендерлар, ишлатилаётган маблағларнинг қанчалик тўғри йўналтирилиши борасида нафақат жамоатчилик, балки халқ вакиллари бўлган депутатларимиз ҳам етарлича маълумотларга эга эмас. «Фалон компания тендерда ғолиб чиқиб, қурилиш ишларини олиб бормоқда. Бунинг учун бюджетдан фалон миллиард сўм сарфланди...» Бўлди, жамоатчилик биладиган маълумот – шу, ҳоло!

Хўш, қурилишларда минглаб одамлар ишлайди, нега у ерда бўлаётган қинғирликларнинг «миси» чиқиб қолмайди? Чунки цементу арматурадан, тахта-у михдан оз-оздан «уриб» қолишдан тортиб, катта-катта коррупцион ўйинлар, «откат»лар занжирдек бир-бирига боғланиб кетган. Мабодо, занжирнинг бир халқаси силки-тилгудай бўлса, ўша халқа ва ундан пастдагилар узилиб тушади, ҳоло.

Нима бўлган тақдирда ҳам, сўнгги кунларда юз берган бу офатлар ҳаммамиз учун жиддий огоҳлантурувчи қўнғироқ бўлиши шарт. Ҳар қандай иш, ҳар қандай вазифани сидқидилдан адо этиш масъулияти қанчалик муҳим эканини тушунайлик. Бугунги жамиятнинг бир халқаси силки-тилгудай бўлса, ўша халқа ва ундан пастдагилар узилиб тушади, ҳоло.

Нима бўлган тақдирда ҳам, сўнгги кунларда юз берган бу офатлар ҳаммамиз учун жиддий огоҳлантурувчи қўнғироқ бўлиши шарт. Ҳар қандай иш, ҳар қандай вазифани сидқидилдан адо этиш масъулияти қанчалик муҳим эканини тушунайлик. Бугунги жамиятнинг бир халқаси силки-тилгудай бўлса, ўша халқа ва ундан пастдагилар узилиб тушади, ҳоло.

Бугунги КУН қахрамонлари




Бухоро вилояти
Олот тумани Халқобод маҳалласи ҳудудида Миллий гвардия Қўриқлаш хизмати тезкор ҳаракатланувчи гуруҳи ходимлари бир оиланинг ҳаётини сақлаб қолди.



Сирдарё вилояти
Оқолтин, Сардоба ва Мирзаобод туманларида сув тошқинидан зарар кўрган 24 та маҳаллада талафот оқибатларини бартараф этиш жараёнидан лавҳалар.



Соғлиқни сақлаш вазирлигининг хабарига кўра, 8 май кuni соат 17:00 га қадар Ўзбекистонда коронавирусдан соғайганлар сони 1748 нафарга етди. Бу рақамлар ортида бугунги кун қахрамонлари – тиббиёт ходимларининг муносиб меҳнати бор...



Сардоба фалокати вақтида тезкор гуруҳ таркибига эвакуация қутқарув ишларида иштирок этган Миллий гвардия сержанти Суяров Хусниддин Зокирович ушбу офатга қарши курашиш жараёнида ҳалок бўлди. Бу – ҳаққий қахрамонлик.

Мавзуга доир маълумот: Фалокат етказган зарарлар...

- Фалокат оқибатида Сардоба, Мирзаобод ва Оқолтин туманларининг жами 32381 гектар майдонлари талафот кўрган.
- Тошқин 10 та маҳалла, 23 та аҳоли пункти ҳудудидаги 4711 та турар ва 277 та нотурар жой объекти, 30718 гектар экин майдонига зарар етказган.
- Сардоба туманининг «Дўстлик», «Кўронтела», «Юртдош» аҳоли пунктларида 743 бош, Оқолтин тумани аҳоли пунктларида 551 бош, Мирзаобод туманидаги аҳоли пунктларида 1330 бош нобуд бўлган ҳайвонларнинг жасадали кўмиш йўли билан зарарсизлантирилди.

Энг аввало, юз берган ҳодисалар ҳаммамиз учун дарс бўлиши керак. Бундан ҳамма бирдек хулоса чиқариши зарур. Унутмайлик, буларнинг бари биз ўзимиз шу вақтгача яратган, тарбиялаган, қўлига сув пуркаган ёлгонларимиз, яқинига етмаган ишларимизни кўз-лишга иштиёқимиз, «бугун мен учун яхши бўлса бўлди, эрта билан нима ишим бор», деган қарашларимизнинг дастлабки аччиқ натижалари, ҳоло. Бу масалага шунчаки қараб бўлмайди. Катта бунёдкорлик ишларининг остонасида турибмиз, ахир!

Хўш, қаттиқроқ шамолга томи кўчиб кетган уйлارни, ўпирилиб кетадиган тўғонни қурганлар тепасида турганлар жавоб берсин деляпмиз. Аммо қолганлар-чи? Қолганларни ҳам эсдан чиқармайлик. Ўша уйлар ва иншоотлар учун оддий мих ёки шағал ишлаб чиқарувчидан тортиб, сувоқчигача, қурилиш ашёларини етказиб берган шофёрдан тортиб, объектга қоровуллик қилган «охрана»гача – ҳаммаси жавоб бериши керак эмасми? Нима, улар ҳаммасидан беҳабар бўлган дейсизми?..

Албатта, уларнинг ҳаммасини ёппасига ўғри-мут-

йўғонидан қўйиш шартми, энгилроғи ҳам барибир кўтараверадику», «тўсин шунча қалин бўлиши шартми, бунинг устида одам юрмаса, сув турмаса...» дея сўрардим. Ўшанда отамнинг айтган гаплари ҳали-ҳамон эсимда: «Тўғри, тўсинни ингичкароғидан қўйсак ҳам бемалол кўтаради. Стропилни бундай қалин қўйиш бугун ёки эртага, балки умуман керак ҳам бўлмас. Аммо иморат уч-тўрт йиллик нарса эмас. Уни қуришда ҳатто юз йилда бир марта бўлиши мумкин бўлган кучли шамол ёхуд қалин қорни албатта ҳисобга олиш керак. Бир вақти билан бирор фалокат юз бериб, мен қурган уйнинг томини шамол учуриб кетса ёки қор босиб қолса, ингичка тахта олиб берган уй эгаси эмас, мен жавобгар бўлман. Бунинг савобу гуноҳи ҳам менинг гарданимда туради...»

Томини шамол учуриб кетган намунавий уйлари, дамбаси ўпирилиб кетган тўғонни қўриб, отамнинг ўша айтган гаплари эсимга келди. Ана шу объектлар қурилишида иштирок этганлар бугун ўзларини ўзлари сўроққа тутиб кўришмаяптимикиан?!

Баъзи нарсалар бугун ёхуд эртага дарвор ўз натижасини кўрсатмайди. Неча йиллар давомида томчима-томчи йиғилиб, ўз таъсирини, натижасини кўсатадиган нарсалар бор. Тарбия, инсон руҳияти, онгу тафаккурдаги эврилишлар (бир сўз билан инсон маънавияти дегим келмади, чунки яна бир «маънавиятчи» дегувчилардан истиҳоло қилдим) ана шулар сирасига киради. Моддий нарсалар қанчалик аҳамиятли бўлса, инсон руҳиятидаги ўзгаришлар ҳам ундан кам эмас. Инсон ҳар қанча билимли бўлмасин, унинг маънавиятида ноқислик бўлса, ҳалол-ҳаромнинг фарқида бормайди, бировнинг ҳақи-



Хусниддин БЕРДИЕВ, журналист

РОССИЯ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ: мамлакатларнинг хавфсизлик муносабатлари

2019 йил охирида Россия фанлар академияси (РФА) «Россия ва Марказий Осиё мамлакатлари хавфсизлигини таъминлаш» (Россия Федерацияси, Қирғизистон ва Тожикистонда 2013-2019 йиллардаги экспертлар фикри эволюцияси мисолида) номли монографияни чоп этди. Унинг муаллифи РФА Шарқшунослик институти қошидаги Марказий Кавказ ва Урал-Волгабўйи марказининг Марказий Осиё бўлими бошлиғи Игорь Савин эди. Муаллиф Россия ва минтақанинг икки мамлакатидан 2013 ҳамда 2019 йилларда Россия билан Марказий Осиё мамлакатларининг минтақадаги хавфсизликка дахлдор кенг қамровли масалалар бўйича ҳамкорлиги юзасидан олинган 600 дан ортиқ интервью асосида экспертлар фикри эволюциясини кузатиб боради. uzanalytics.com мухбири муаллиф билан сўхбат уюштирди.



Хавфсизлик бўйича ушбу ташаббусларнинг барчаси бир қарашда бошбошдоққа ўхшаб кўринади, бироқ шунга қарамай, уларнинг самарадорлиги ўзаро боғлиқлик ва бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш шароитида ҳаракат қилиш амалиёти ва кўникмасини яратиши билан баҳоланади.

– Марказий Осиёда Хитойнинг таъсири ошиб кетиши мумкинлиги юзасидан хавотирлар мавжуд. Лекин бугун минтақа мамлакатларининг ХХР билан ҳарбий ва сиёсий соҳадаги алоқалари жадал ривожланаётганини кўряпмиз. Сиз мутахассис сифатида Хитойнинг Марказий Осиёда хавфсизлик масалаларидаги роли мустақамлашиб бориши тенденциясини қандай баҳолайсиз?

– 2013 йилда ҳеч ким Хитой билан ҳарбий-техник ҳамкорлик ҳусусида гапирмаётган эди. Орадан 6 йил ўтиб, ушбу мавзу барча экспертлар оғзидан тушмай қолди. Экспертларнинг бир қисми, айниқса, россиялик экспертлар бунди Хитой билан ҳамкорлик қилаётган мамлакатлар айнаи ҳамкорликдан моддий манфаатдорлик борлиги билан боғлиқ қизиқишдан воз кеча олмаётгани билан изоҳлайди.

Шубҳасиз, бу Россияни ҳам ташвишлантирмайди. Бироқ ҳам Тожикистон Республикасидаги, ҳам Қирғизистон Республикасидаги экспертлар минтақа мамлакатларининг ўзида ҳам норозилик ўсиб бораётганини таъкидлашмоқда. Уша мамлакатлар раҳбарияти ўз ватандошларига Хитой билан бундай ҳамкорликнинг қандайдир ижобий жиҳатлари борлигини тушунтириб бера олмаётган кўринади. Натижада, Хитойга қарши кайфиятлар кўзга ташланиб, зехний зиддиятлар ўсиб бормоқда. Энди бу Хитойнинг бош оғриғига айланади, чунки минтақада ахборот сиёсати юритиши керак бўлган тузилмалар (Конфуций институтлари) зиммасига юклатилган вазифани бажара олмапти. Энг янги воқелик – мана шу.

Қирғизистон ва Тожикистондаги айрим экспертлар Хитой билан ҳамкорлик ҳақида фикр юритар экан, гап фақат техник ҳамкорлик ҳақида кетаётганини бот-бот тақрорлади. Лекин ўша экспертлар бундан ҳам тез-тез Хитой билан ҳарбий-техник ҳамкорлик йўқ эканини айтиди. Экспертларнинг яна бир қисми Хитойнинг Тожикистон ҳарбий соҳасига қўшилиши бошқалар, жумладан, Россия билан ҳам келишилганини қайд этмоқда. Бу қанчалик ҳақиқатга яқин экани ҳусусида бир нарсга дейиш қийин, бироқ экспертлар вазиятни Россия билан Хитойнинг минтақада рақобат эмас, ҳамкорлик қилаётганида кўраётганини исботлашга уринди. Уларнинг россиялик ҳамкасблари ҳам бундай фикрга қисман қўшилади. Лекин айрим экспертлар ушбу масалада Хитойнинг роли кенгайиб бориши ҳам мумкин, деб ҳисоблашмоқда.

– Минтақанинг ўзида қандайдир хавфсизлик архитектура-сини яратиш истиқболлари мавжудми? Минтақа мамлакатлари Қрим воқеасидан сўнг, Россияни хавфсизлик кафили, деб ҳисоблаётими?

– Умуман олганда, экспертлар минтақанинг ўзида қандайдир хавфсизлик архитектура-сини яратиш масаласига мултоқо ишончсизлик билан қарамоқда. 2018 йилда Марказий Осиё раҳбарларининг Остонада бўлиб ўтган учрашуви рамзий, деб ҳисобланмоқда. Ҳозирча у ҳеч қандай натижа бергани йўқ. Лекин экспертлар бундай тамойил давом этишига умид сақланиб қолаётганини айтмоқда. Глобал истиқболлар аён, лекин ушбу истиқболга эришиш учун қисқа қадамлар изчиллиги ҳозирча кўзга ташланмапти.

Ҳа, умуман олганда, экспертлар Россияни минтақа мамлакатлари қайфиятига қараб, хавфсизлик кафили сифатида қабул қилмоқда, дейиш мумкин. Қайсибир маънода бундай қайфият сўнги пайтда ҳатто кучайди ҳам. Тожикистон ва Қирғизистондаги экспертлар орасида Россиянинг минтақадаги ҳаракатларини жуда танқидий баҳолаётганлар ҳам бор. Лекин ҳатто ўшаларнинг фикрича ҳам, Россияга бутунлай қарши мавзуну ушбу республикалардаги аҳолининг кўпчилиги қисми қўллаб-қувватламайди. Улар Россиянинг Тожикистон ва Қирғизистондаги роли, айниқса, Хитойнинг ҳаракатларига қарши ўлароқ, кучайиши мумкинлигини қайд этмоқда.

Игорь Савин – тарих фанлари номзоди, Мухтор Аевзов номидаги Жанубий Қозонистон давлат университетининг «Тарих ва этнология» илмий марказининг етакчи илмий ходими, РФА Шарқшунослик институти қошидаги Марказий Кавказ ва Урал-Волгабўйи марказининг Марказий Осиё бўлими бошлиғи.



– Россия Марказий Осиё хавфсизлигини таъминлаб берапти, деган фикр кенг тарқалган. Россия минтақа давлатларига хавф солаётган асосий таҳдидларни қандай механизмлар орқали ва қай тарихда бартараф этишда ёрдам бермоқда?

– Аксарият экспертлар Россиянинг Марказий Осиё хавфсизлигига таъсири бир неча даражада деган фикрдалар. Аввало, бу институционал даражага тегишли. Чунки Россия минтақанинг барча мамлакатлари билан ҳам кўп томонлама, ҳам икки томонлама битимлар билан ўзаро боғланган. КХШТ (Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти) ва ШХТ (Шанхай ҳамкорлик ташкилоти) ҳам шулар жумласига киради.

Иккинчиси – ташкилий ва техник даража. Марказий Осиёдаги барча мамлакатлар кўрролли кучлари асосини совет ва Россия техникаси ташкил қилади ҳамда техника билан таъминлаш ва унга хизмат кўрсатиш эҳтиёт қисмлар сотиб олиш ва ҳарбий ходимларни ўқитиш орқали амалга оширилмоқда.

Сўнги йилларда Марказий Осиё мамлакатлари ўз хавфсизлигини мустақамлаш учун Россиядан бошқа давлатларнинг ҳарбий ва техник имкониятларини ҳам жалб этапти. Бироқ улар унчалик кўп эмас. Масалан, Тожикистон ва Туркменистонда бундай ҳолатлар чегараларни техник жиҳозлаш билан боғлиқ, Қозоғистон ҳарбий-денгиз флоти Россияда эмас, Украинада ишлаб чиқарилган қурималардан фойдаланмоқда. Лекин улар катта аҳамиятга эга эмас. Ҳозирча деярли барча масалада, дейлик, турли ҳарбий таҳдидларга тезкор жавоб қайтариш борасида ҳам Россия кўмағига таянилади. Ниҳоят, ҳарбий бўлималарнинг ташкилий тузилмалари Россия билан МДҲ мамлакатларида бир хил.

Марказий Осиё мамлакатларидаги ҳарбий таълим ва машғулотларга Россиянинг таъсири ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Россия ҳудудида доимий тарзда минглаб бўлғуси зобитлар ўқитилмоқда, Тожикистон ҳудудида эса ҳарбий машғулотлар марказлари ишлаб турибди, у ерда турли мутахассисликларга ихтисослашган аскарлар ва сер-

жантлар тайёрланади.

Бундан ташқари, минтақадаги барча мамлакатлар Россия билан ҳарбий-техник машғулотлар ўтказиб турибди. Лекин шунга қарамай, Россия минтақанинг барча мамлакатлари ўзига тегишли бўлмаган турли ташаббусларда (америкаликлар ва хитойликлар билан бирга) қатнашаётганини ҳам жуда яхши тушунади. Шунинг баробарида, ҳозирча ҳеч ким Россиянинг ҳарбий соҳадаги етакчилик аҳамиятига шубҳа билан қараётгани йўқ.

Таҳдидлар ҳақида гап кетганда, шуни айтиш лозимки, Россия, аввало, терроризм билан боғлиқ таҳдидларни бартараф этиш борасида иш олиб боради. Ушбу таҳдидларга дахлдор иккинчи вазифа минтақадаги миллий хавфсизликни таъминловчи институтларни мустақамлашдан иборат. Ушбу ёндашув айнаи дамда устувор аҳамиятга эга.

Бироқ ҳозирнинг ўзидаёқ бундай ёндашув модернизация қилиниб, такомиллаштирилмоқда. Хусусан, унга барча террорчилик таҳдидларини ҳам фақат ҳарбий куч билан даф қилиб бўлмаслиги ҳусусидаги тасаввурлар кўшилмоқда. Профилактика даражасидаги тезкор таҳлилий фаолиятга жуда катта аҳамият берилиши керак.

– Китобингизда асосий далил сифатида нималар келтирилган? Марказий Осиёнинг хавфсизлиги борасида Россиянинг позицияси ўзгаряптими?

– Ҳа, Россиянинг позицияси ўзгаряпти. Бироқ ҳарбий-техник ҳамкорлик сари олинган мўлжал ўзгармасдан қолмоқда. Барча экспертлар бунди тан олмақда ва Россиянинг ролини муҳим деб билмоқда.

Бироқ келгусида Россиянинг роли кўп ўлчамлироқ, мураккаброқ бўлади. У ҳозиргидек содда бўлмайди, чунки Россия минтақа мамлакатларининг хавфсизлик агентлари деб қараётган бошқа ташкил кучлар билан ҳамкорлигига тўсқинлик қилишни истамайди ва бу унинг қўли-

дан ҳам келмайди. Шунинг учун Россия минтақадаги мураккаб муҳитни ҳамда ўз манфаатлари билан бирга бошқа ташқи ўйинчилар манфаатларини ҳам ҳисобга олади.

Ушбу далилни ҳам россиялик, ҳам чет эллик экспертлар англаб етмоқдалар. Бу, аввало, таҳлилнинг олдинги андзаси Россиянинг роли кучаймоқдами ёки сақланиб қолмоқдами, деган асосий саволга жавоб бермайди. Биз (экспертлар ҳамжамияти) Россиянинг роли ва позицияси ўзгарди, деб узил-кесил айта олмаимиз. Минтақа мамлакатлари хавфсизлигини экспертик нуқтаи назардан таъминлашнинг бутунлай янги бир босқичида турибмиз.

Айнаи чоғда шуни ҳам қайд этиш лозимки, Россияни идрок этиш мураккаблашиб бормоқда, ундан ҳозирги кунда нафақат ҳарбий-техник ҳамкорлик, қолаверса, Марказий Осиё мамлакатларида мавжудликнинг бошқа ўлчамларига ҳам эътибор қаратиш кутилмоқда. Албатта, бу ўринда гап ҳамкорликнинг ҳарбий соҳага оид қисмини қисқартириш ёки ҳарбий таҳлил аҳамиятини пайтириш ҳақида кетаётгани йўқ. Аксинча, мавжуд имкониятларни экспертик фаолиятга уфқларини кенгайтириш, тадқиқот амалиётининг янги воситаларини жалб этиш сингари таҳлил тоифалари билан тўлдириш мумкин. Минтақада мавжуд турли ўйинчиларнинг манфаатларини ҳамда жамоатчилик қайфияти ва бошқарув талабларини шакллантиришнинг турли йўллари ҳисобга оладиган экспертик салоҳиятига бўлган талаб ортиб бормоқда.

– Тадқиқот учун Қирғизистон ва Тожикистоннинг танлаб олиншига сабаб нимадир?

– Таҳлил учун Қирғизистон ва Тожикистон экспертлари фикрининг танлаб олинши айнан ушбу мамлакатлар турли сабабларга кўра ташқи кучларнинг (Россиядан бошқа) таъсир доирасига энг кўп даражада тушиб қолиши билан белгиланади. Қирғизистонда ҳам, Тожикистонда ҳам Ғарб мамлакатлари ташаббуси ва Хитойнинг иқтисодий фаолиги билан характерланувчи гуманитар ёрдам бериш ва фуқаролик институтларини ривожлантириш бўйича халқаро дастурлар амалга оширилаётгани кўпроқ кўзга ташланади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Россиянинг хавфсизликни таъминлашнинг турли жиҳатлари контекстидаги ҳаракатлари рельеф тарзида – паст-баланд бўлиб кўринади. Бунинг маъноси шуки, ўша ҳаракатнинг кучли тарафлари ҳам, Россия сиёсатининг минтақа хавфсизлигини таъминлаш борасидаги камчиликлари ҳам аниқ бўй кўрсатмоқда. Натижада минтақа мамлакатлари Россия

билан бошқа ташқи ўйинчилар ҳаракатини солиштириш имконига эга бўлмоқдалар.


– Китобингизда интервью усулидан фойдаланилган. Сиз танлаб олган экспертлар, асосан, ёпиқ ва ошкор бўлмаган мавзуну қанчалик яхши билади? Россия, унинг Марказий Осиёда хавфсизлик кафили сифатидаги ролига оид фикрларга нисбатан авлодлар фикрида тафовутлар мавжудми? Сўнги йилларда минтақада хавфсизликни таъминлаш масалаларида Россияга нисбатан экспертлар фикри қай тарзда ўзгарди? Қандай асосий жиҳатларни ажратиб кўрсатишнинг мумкин?

– Авлодлар фикридаги тафовутлар – бор гап. Аммо бир-биридан фарқ қилувчи фикрлар шаклланиши борасида бу асосий сувайиргич эмас. Маълум бўлишича, ёш экспертлар ҳар доим ҳам қандайдир радикал, кексалар эса консерватив фикр эгаси эмас экан. Айрим ёш экспертлар консерватив фикрларини намойиш қилган ҳоллар ҳам бўлди. Лекин шунга қарамасдан, ҳар бир мамлакатда икки қанот мавжуд: анъаначилар ва мавжуд ҳолат билан келиша олмайдиганлар.

– КХШТ билан ШХТнинг минтақадаги самарадорлигига қандай таъриф берган бўлар эдингиз? Остона ташаббуси бўлган Осиёда ҳамкорлик ва ишонч орчалари бўйича кенгаша-чи? Хавфсизлик бўйича қисман бир-бирига тўғри келадиган, қисман тўғри келмайдиган ташаббусларнинг мавжудлиги нимани аниқлатади?

– Экспертлар КХШТ билан ШХТ ҳамда уларнинг низомларида белгилаб қўйилган мақсадлар ҳар доим ҳам кундалик ҳаётда амалга ошмаётганини тушунади. Уларнинг фикри ҳар доим воқеалар силсиласи: кўшма ҳарбий машқлар, янги учрашувлар, саммитлар таҳлилий назарда тутати. У ҳолда реал фаолият кундалик ва кўзга ташланмайдиган шаклда амалга ошиши мумкин ҳамда қандайдир омма кўз ўнгиде кечаётган воқеалар эмас, айнан шу ҳол хавфсизликни таъминлашнинг асосий шарти бўлиши мумкин. Хусусан, бу КХШТ мисолида яққол кўзга ташланади. Биз доимий учрашувлар ёки саммитларни кўрмаймиз. Айнаи дамда КХШТ фаолиятида иштирок этаётган мамлакатлар сони ортиб бормоқда. КХШТ усиз ўзаро кескин баёнотлар бериш ёки ҳаракатлар қилишдан тийила олмайдиган кўллаб мамлакатларни ҳамкорликка жалб этмоқда. Ушбу ташкилотнинг самарадорлиги ана шунда бўлса, ажаб эмас.

Дарвоқе, Россияда КХШТга нисбатан Қирғизистон ёки Тожикистондагидан кўра ишончсизлик ёки танқид кўзи билан қараш ҳоллари кўпроқ. Экспертлар минтақада КХШТнинг самарадорлигини потенциал таҳдидлар доирасида бирга ҳаракат қилиш учун ўзаро ишонч ва кўникмалар аста-секин қарор топаётганида кўрмоқда.



САВОЛ: Масофавий ишлашга ўтказиш тартиби қандай амалга оширилади?

ЖАВОБ: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси билан келишган ҳолда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг «Карантинга оид чоралар амал қилиш даврида ходимларни масофавий иш усулида, мослашувчан иш графигида ёки уйда ишлашга ўтказишнинг вақтинчалик тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи билан тасдиқланган ҳужжат Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди (рўйхат рақами 3228, 28.03.2020 й.).

Мазкур низомда, карантин даврида иш берувчи ходимнинг розилиги билан уни масофавий иш усулида, мослашувчан иш графигида ёки уйда ишлашга ўтказиш мумкин.



САВОЛ: Қандай тоифадаги ходимлар вақтинча масофавий ишлаш тартибига ўтишида имтиёзга эга?

ЖАВОБ: Биринчи навбатда, ҳомиладор аёллар, кексалар, имконияти чекланган шахслар ва сурункали касалликларга чалинган ходимлар. Улардан кейин бошқа ходимлар ҳам масофавий ишлаш тартибига ўтиши мумкин.



САВОЛ: Масофавий ишлаш учун алоҳида буйруқ чиқарилиши шартми?

ЖАВОБ: Албатта. Ходимни масофавий иш усулида, мослашувчан иш графигида ёки уйда ишлашга ўтказиши иш берувчининг вақтинчалик ишга ўтказиш ҳақидаги муддати кўрсатилган буйруғи билан расмийлаштирилади. Бундай буйруқ чиқариш учун эса меҳнат шартномасига киритилган ўзгартиришлар асос бўлади.

Пандемия ва карантин сабаб...


ходимлар ва иш берувчилар томонидан энг кўп берилаётган

10 саволга жавоб



САВОЛ: Масофадан ишлаш деганда ўзи нимани тушунамиз?

ЖАВОБ: Ходимнинг меҳнат шартномасида кўрсатилган мажбуриятларини иш берувчининг жойлашган ҳудудидан ташқарида, доимий иш жойи, ҳудуд ёки объектдан ташқарида бажариладиган иш усулини тушунамиз.



САВОЛ: Ходим масофадан ишласа, унга ҳақ тўлаш масаласи қандай бўлади?

ЖАВОБ: Масофавий ишда ишловчи ходим иш вақтини ўз хоҳишига кўра тақсимлашини ҳисобга олган ҳолда, у томонидан бажарилган ишлар учун бир баравар миқдорда меҳнат ҳақи тўланади.



САВОЛ: Ходимнинг масофавий ишда ишлагани унинг таътилга чиқишига таъсир қиладими?

ЖАВОБ: Йўқ, таъсир этмайди. Мазкур ишлаш усулига ўтказилган ходимларнинг таътиллари жадвалига мувофиқ меҳнат таътилига чиқиши, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақа олиши ҳамда қонун ҳужжатлари ва жамоа шартномасида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлари сақлаб қолинади.

САВОЛ: Масофавий ишга ўтаётганда меҳнат шартлари қандай белгиланади?

ЖАВОБ: Масофавий ишга ўтказилганда иш берувчи ва ходим ўртасида илгари тузилган меҳнат шартномасига тегишли ўзгартириш киритилади. Меҳнат шартномасида масофавий ишлаш давридаги меҳнат шартлари келишиб олинади. Бу ўзгартиришда меҳнатнинг шартлари билан бирга қуйидагилар ҳам кўрсатилади:

- электрон ҳужжат алмашинуви бўйича ўзаро алоқа тартиби;
- ходимга иш учун зарур бўлган жиҳозлар, техника воситаларидан фойдаланиш тартиби;
- ходимни алоқа воситалари билан таъминлаш, Интернет тармоғидан фойдаланиш;
- ходимга иш берувчи томонидан берилган жиҳозлар бузилганда зарарни қоплаш бўйича шартлар;
- ходим шахсий жиҳоз, техника воситаларидан, Интернетдан фойдаланганда, харажатларни қоплаш тартиби;
- ходим ва иш берувчининг зарурий меҳнат муҳофазаси ва меҳнат шартларига амал қилиш бўйича мажбуриятлари;
- ишлаб чиқариш зарурияти туғилганда, ходимни доимий ишга ўтказиш шартлари.

САВОЛ: Карантин пайтида маошлар қисқарадими?

Меҳнат кодексининг 156-моддасига кўра, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари қайси тартибда ўрнатилган бўлса, ўша тартибда ўзгартирилади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг яқка шартларини ходим учун ноқулай томонга ўзгартиришга унинг розилигисиз йўл қўйилмайди. Истисно тариқасида бундай ўзгартиришга:

- технологияда, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишда ўзгаришлар юз берган тақдирда, башарти, меҳнатга ҳақ тўлашнинг аввалги шартларини сақлаб қолиш мумкин бўлмаса;
- қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда йўл қўйилиши мумкин.

Бўлажак ўзгартириш ҳақида ходим камида икки ой олдин огоҳлантирилиши лозим.

САВОЛ: Карантин пайтида ишга бор-маса бўладими?

ЖАВОБ: Йўқ, Фақат ташкилот карантинга ёпилган бўлсагина мумкин.



САВОЛ: Карантин вақтида бериладиган нафақа миқдори қанча?

ЖАВОБ: Коронавирус инфекцияси билан зарарланиши ёки зарарланган деб гумон қилиниши муносабати билан карантинга жойлаштирилган ота-оналар (улар ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар), шунингдек, уларнинг 14 ёшгача бўлган боласини парвариш қилаётган шахсларга ўртача ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорига вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланади.



Саволларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнатни муҳофаза қилиш ва Юридик бўлими мудири Нодира КАРИМОВА, Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ жавоб берди

